


Сурхондарё вилояти Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан ПРЕСС-РЕЛИЗ ўтказилди

ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА АМАЛДА

Эҳтиёжманд қатlamни оғир турмуш шароитига тушиб қолишдан асраш, камбағал ва ишсиз фуқаролар меҳнат қилишини қўллаб-қувватлаш дунёдаги энг долзарб вазифалардан бири сифатида кун тартибига чиқди.


Мамлакатимизда бу вазифани самарали бажариш, давлат ва жамият имкониятларидан тўғри фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим қарорлар қабул қилиниб, самарали ўз ижросини топмоқда.



Маълумингизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235 сонли қарори ижросини таъминлай бориб, Сурхондарё вилоятида вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ташкил этилди ва 2019 йил 29 август куни Адлия бошқармасида 276-рақам билан рўйхатдан ўтиб ўз фаолиятини бошлади.

Марказ ўз фаолиятини бошлаган кундан буён ўтган давр мобайнида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” асосида маҳсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилиб келинмоқда.


Марказ томонидан (2019 йилда 960 нафар, 2020 йилда 3790 нафар, 2021 йилда 7986 нафар) ташкил топган кунидан буён ўтган давр мобайнида жами 12 минг 736 нафар мушкул иқтисодий ахволга тушган, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёллар учун меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қатор йўналишларда қисқа муддатли ўқувлар ташкил этилди.



Биргина 2021 йилнинг ўзида вилоятнинг Термиз шаҳри ва 14 та туманларида маҳаллаларда ўтказилган хатлов натижасида аниқланган таҳлилдан келиб чиқсан холда бандлиги бўлмаган, ўқиб касб ўрганиш истагини билдирган мушкул иқтисодий ахволга тушган, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган 7986 нафар аёллар ўқитилди ва бу аёлларнинг 7083 нафарига имтиёзли кредитлар олиб ўз тадбиркорликларини

бошлашларида яқиндан амалий ёрдам күрсатилди.

Қарорлар ижросини таъминлай бориб, **2021 йил декабр ойида** **Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг биринчи грант танлови эълон қилинган бўлиб,** Сурхондарё вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази танловнинг “Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш” йўналишида ўзининг “Денов, Сариосиё, Узун туманларида оғир турмуш шароитига тушиб қолган ва жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг бандлигини таъминлашга ҳамда меҳнат кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш” мавзусидаги лойиҳаси билан иштирок этиб ғолиб чиқди.




Лойиҳанинг мақсади:

Денов, Узун, Сариосиё туманлардан аниқланган оғир турмуш шароитига тушиб қолган ва жисмоний имконияти чекланган аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш.

Тадбиркорлик кўникмаларини, меҳнат кўникмаларини шакллантириб, замонавий касб-хунарларга ўқитиш орқали уларни оғир турмуш шароитидан, камбағалликдан чиқишларига кўмаклашиш;


Тадбиркорлик билан шуғулланишларига ва даромад топишларига эришишда кўмаклашиш.



Бугун лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирда:

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси вилоят бошқармаси ва Узун туман бўлими билан ҳамкорликда Сурхондарё вилояти Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан лойиҳа доирасида семинар-ўқув ташкил этилди. Тадбирда Узун туманида истиқомат қилувчи хотин-қизлар иштирок этди.


Иштирокчилар келгусида тадбиркорликни бошлаш борасида кўниқмаларга ўргатилди.



Тадбир давомида тегишли тайёрланган кўргазмали материаллардан, ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланилди, маҳсус тайёрланган буклетлар мавзуга қараб тадбир жараёнларида тарқатилди.

Қатнашчилардан ўқув семинар якунида тест олиниб тадбиркорлик күнікмалари баҳоланди.

Лойиха доирасыда семинар савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Лойиха иштирокчилариға тадбир якунида сертификатлар топширилди.



Биз ўз навбатида - “Аёллари қадр топған юртда яшаётганига шукроналар келтириб, дадил қадам ташлаётган бу аёлларимизнинг ишлари ҳамиша юксалаверсін” - деймиз.

